



## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ, ТАЪРИФИ ҲАМДА КОНЦЕПЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ

**Норов Абдулло Бахшилло ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратураси  
ташкилий-тактик бошқарув йўналиши тингловчиси, каптан  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8068828>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-June 2023 yil

Ma'qullandi: 18-June 2023 yil

Nashr qilindi: 22-June 2023 yil

### KEY WORDS

Жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб

### ABSTRACT

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ҳамда осойишта ҳаётини таъминлаш ва жамиятимизда қонунга итоаткорлик шу билан бирга жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Инсон манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ҳамда осойишта ҳаётини таъминлаш ва жамиятимизда қонунга итоаткорлик шу билан бирга жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Инсон манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шунингдек, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, халқ тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, илк маротаба миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат сифатида “Жамоат хавфсизлиги

концепцияси” давлат раҳбарининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони билан тасдиқланди. Бу амалий чоратадбирлар мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш соҳасида янги босқич бўлди.

**Жамоат хавфсизлиги** — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди<sup>1</sup> - деб, норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда тушунча берилгани билан, илмий асослаш ва замонавий шакллантириш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқий ҳодисалар билан чегараланиш ва муайян алоқаларни ўрнатиш тадқиқот фаолияти учун ҳам, ҳуқуқ учун ҳам, ижро амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг умуман хавфсизликнинг принципал янги концепциясига ўтиши шароитида ушбу масалани назарий тадқиқ этиш янги назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, биринчи навбатда, жамиятимиз ва бутун давлат ривожланиши учун ички ва ташқи шароитларнинг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти шундаки, ушбу ҳуқуқий ҳодиса давлатда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни диққат маркази ҳисобланади. Миллий хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш маълум маънода мамлакатни ислоҳ қилишнинг шarti ва айни пайтда мақсади, деган фикр бор. Умумий ёндашув нуқтаи назаридан мураккаб, ҳуқуқий ҳодисанинг барча зарур белгиларига эга бўлган "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини аниқлашда бир қатор қийинчиликларга эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, мураккаб ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни акс эттирувчи "жамоат хавфсизлиги" объектив равишда аниқ тарихий ҳамда ўзгарувчан хусусиятга эга ва "табиат - инсон - жамият" тизимидаги ўзаро таъсирнинг барча шакллари ва йўналишлари билан мутаносиблиги сир эмас.

Жамоат хавфсизлиги тушунчаси мазмунини кенгроқ ёритиш учун, хавфсизликнинг бошқа соҳа йўналишлари, унинг турларига мурожаат қилсак. Хавфсизликнинг деярли барча турлари (давлат, экологик, озиқ-овқат, транспорт ва бошқалар) давлат томонидан тартибга солинади ва бу бевосита давлатнинг кўп функцияларидан бири ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, 1997 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги концепциясида тўғрисида”ги 467-И-сонли қонунида хавфсизликнинг айрим турларини "миллий хавфсизлик" тушунчаси билан бирлаштирган ҳолда тушунча берган (*давлат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, экологик хавфсизлик, шахсий хавфсизлик*), лекин қонунда уларнинг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган. Бундан ташқари, хавфсизлик турлари рўйхати очиқ қолдирилган ва улар белгиланиши керак бўлган бошқа қонун ҳужжатларига эътибор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон 1-иловаси.

қаратилган. Хавфсизлик турларини турли сабабларга кўра таснифлаш мумкин. Хавф манбаларига қараб, уларнинг пайдо бўлиш муҳити, табиий, техноген ва ижтимоий хавфсизликни ажратиш мумкин. Жамият ҳаётини тўртта асосий йўналишга бўлиш асосида, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий хавфсизлик турларини ажратиш мумкин. Хавфсизлик турларининг уни таъминловчи субъектлар бўйича ажратадиган бўлсак, давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан таъминланган хавфсизлик деб ажратиш мумкин. Ҳимоя қилиш объектига (шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари) кўра хавфсизликнинг уч турини кўрсатиш мумкин, шахсий хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги ва давлат хавфсизлиги. Шу билан бирга, ушбу учта асосий тур доирасида илмий адабиётларда хавфсизликнинг бошқа турлари ҳам ажратилиб кўрсатилади. Олимлар юридик адабиётларни ўрганар экан, миллий хавфсизликнинг учта асосий тури, яъни шахсий, жамият ва давлат хавфсизликларига ажратади ҳамда 290 дан ортиқ турли хил хавфсизлик турларини, шу жумладан 168 турдаги давлат хавфсизлигини, 83 турдаги жамият хавфсизлигини ва 39 турдаги шахсий турдагиларни ҳисобга олган<sup>2</sup>.

С.И.Гирконинг фикрича, жамиятни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш сифатида жамоат хавфсизлиги жуда муҳим назарий ва амалий муаммо эканлигини кўрсатади, уни ҳал қилиш, бошқа ижтимоий муносабатлар қатори, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш стратегиясини белгилашга бевосита боғлиқ<sup>3</sup>. Профессор Л.Л.Поповнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва объектлардан фойдаланишда, алоҳида шароитлар, табиий офат ёки ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими тушунилади<sup>4</sup>. Б.П.Кондрашовнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги - бу нормаларга риоя қилиш ва амалга ошириш натижасида шаклландирган ижтимоий-ҳуқуқий категория, дахлсизлиги давлат, жамият томонидан кафолатланган жамоат муносабатлари тизимидир<sup>5</sup>. Бироқ, И.Б.Григориев, К.А.Григориевалар "жамоат хавфсизлиги" атамасининг мазмунини аниқлашга ҳаракат қилишар экан, В.Лукияновнинг илмий позициясига мурожаат қилиб, жамоат хавфсизлиги агар маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳақида гап кетаётган бўлса, маълум бир ижтимоий муносабатлар эканлигини кўрсатади. Ўз-ўзидан ижтимоий муносабатлар ва моддий олам ўзига хос табиий қонуниятлари билан реал воқеликни ташкил этади, демак, жамоат хавфсизлиги бу "инсон саломатлиги, ҳаёти, мулки ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиш имкониятини истисно этувчи воқелик ҳолатидир,

<sup>2</sup> Мальцев В.А. Соотношение и взаимосвязь между различными видами безопасности в России: (конституционной, национальной, государственной, общественной, личной, информационной) // Проблемы правоведения. 2003. № 1. Б-57.

<sup>3</sup> Гирько С.И. Обеспечение общественной безопасности в системе мер защиты личности, общества и государства: состояние, проблемы, перспективы // Административное право и процесс. 2009. № 5. С. 8.

<sup>4</sup> Попов Л.Л. Административное право (вопросы административноюрисдикционной деятельности органов внутренних дел). М.: Академия МВД СССР. 1983. 280 с.

<sup>5</sup> Кондрашов Б.П. Общественная безопасность и административно-правовые средства её обеспечения: дис. докт. юрид. наук. М., 1998. 302 с.

чунки у ўз ҳаракатларида тегишли қоида ва меъёрларга амал қиладиган шахснинг оқилона иродаси билан бошқарилади”<sup>6</sup> деб айтиш мумкин. Олим шунингдек, хавфсизлик муаммоси инсониятнинг омон қолиши ва барқарор ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезонига айланиб бораётганини ва айнан замонавий шароитда хавфсизликнинг етарли даражаси нафақат давлат манфаатлари, балки бутун жамият манфаатларини ҳам қамраб олиши кераклигини таъкидлайди. Шу сабабли, умуман хавфсизликнинг устуворлиги инсон ва бутун жамиятни ҳимоя қилишдир. Жамоат хавфсизликнинг моҳияти шу билан боғлиқ бўлиши керак.

Худди шундай позицияни Б.Т.Хамхоев эгаллаб, жамоат хавфсизлиги деганда жамиятнинг барқарор мавжудлигини, фуқароларнинг зарур эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш ва амалга оширишни, турли хил жиноятларнинг олдини олиш ёки хавф ва таҳдидларни бартараф этиш қобилиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг сифатли тараққиёти ва ривожланиш ҳолати тушунилиши керак. Жамоат хавфсизлиги, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ўз ичига олади. Бундан ташқари, Б.Т.Хамхоевнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, уларнинг мол-мулкига таҳдидларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган ажралмас қисмдир. "Жамоат хавфсизлиги" тушунчаси мазмунида олимларнинг алоҳида гуруҳи уни ҳимоя қилишнинг барча объектларини белгилайди, яъни: жамоат хавфсизлиги - бу одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, моддий бойликлар ва атрофмуҳитга таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган органлар ва воситалар тўпламидир<sup>7</sup>, деб фикр билдиришади. Жамоат хавфсизлиги нафақат хавфсизлик ҳолати, балки жамият ҳуқуқий тизимининг ажралмас элементи сифатида ҳам қаралади, унда турли таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун махсус ҳуқуқий механизмлар ишлайди.

К.С.Белскийнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги диний, миллий ва меҳнат асосидаги низоларнинг йўқлиги билан тавсифланган муҳит эканлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, жамоат хавфсизлиги деганда, энг муҳими, жамоат осойишталиги ва фуқароларнинг уларни ҳар қандай таҳдид ва шу каби хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга ишончи ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, биринчи навбатда, полиция тизими томонидан таъминланадиган давлат тушунилади<sup>8</sup>. А.И.Парубовнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги жамиятда ривожланиб, ҳуқуқий ва техник нормалар билан тартибга солинадиган ва одамлар хавфсизлигини таъминлашга, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавфли таҳдидларнинг олдини олишга, мулкдорларнинг мулкни сақлашга

<sup>6</sup> Григорьев И.Б., Григорьева К.А. К вопросу о подходах к определению содержания термина «общественная безопасность» в правовой доктрине и отдельных актах концептуального характера, утвержденных указами президента российской федерации URL: <http://pravozashitnik.net/ru/2014/4/5>.

<sup>7</sup> Хамхоев Б.Т. Проблемы определения общественной безопасности // Административное право и процесс. 2011. № 7. С. 40–42.

<sup>8</sup> Бельский К.С. Полицейское право/под ред. А. В. Куракина. М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2004. 816 с.

қаратилган муносабатлардир<sup>9</sup>. Юқорида айтилганларнинг моҳияти шундан далолат берадики, олимларнинг замонавий илмий фикрларида "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини таърифлашда ягона қараш йўқ. Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкин:

биринчидан, таърифларнинг аксарияти унинг турли томонларини ва хавфсизлик ҳамда ҳимоя қилиш объектларини акс эттиради;

иккинчидан, олимлар жамоат хавфсизлигининг фақат битта мазмунли жиҳатига яъни турли таҳдидлардан (ижтимоий, техноген, табиий ва бошқалар) ҳимояланиш даражасига эътибор қаратадилар;

учинчидан, айрим олимлар миллий хавфсизлик ва жамоат хавфсизлигини тенглаштирадилар.

"Жамоат хавфсизлиги" тушунчасини аниқлаш бўйича илмий позицияларни таҳлил қилиш унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Биринчидан, бу етарли хавфсизлик ҳолати. Бу ҳолат шахс, жамият ва давлат учун реал ёки потенциал хавф-хатарларнинг мавжуд эмаслигини, шунингдек, бундай давлатни сақлаб қолиш чораларини билдиради, бу эса аҳолида хавфсизлик ҳиссини яратади. Жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини, айниқса, шахсий ҳуқуқларини хавфсизлик ва жамоат осойишталиги шароитида амалга ошириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, бундай амалга ошириш фуқароларнинг ҳар қандай характердаги таҳдидлар мавжуд бўлмаганда, яшаш, соғлиғини муҳофаза қилиш, шахсий дахлсизлик, меҳнат қилиш, яшаш жойини эркин танлаш, дам олиш ҳуқуқларини хавфсизлик ва гигиена талабларга жавоб берадиган шароитларда амалга ошириши мумкинлигида намоён бўлади, жамоат хавфсизлиги умумий ва махсус ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан таъминланади. Шунга кўра, жамоат хавфсизлиги давлат томонидан таъминланади ва кўриқлаш объектларига хавф туғдирадиган вазият юзага келганда, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари бундай хавфларни бартараф этиш учун фавқулодда, алоҳида, вақтинчалик чоралар кўриши керак. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамоат тартиби мавжуд бўлганда энг самарали бўлади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор жамоат тартибини таъминламасдан туриб, аҳоли хавфсизлигини сифатли таъминлаш мумкин эмас. Шунинг учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги жамоат муносабатларини тартибга солувчи норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар, кўпинча "жамоат хавфсизлиги" ва "жамоат тартиби" атамалари ўзаро боғлиқ тушунчалар сифатида қўлланилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, албатта, муайян меъёрлар тизими билан тартибга солинади. Бу белги аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширилаётганидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, қонун нормалари фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим миқдордаги жамоат муносабатларини тартибга солади, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг

<sup>9</sup> Парубов А.И. Организационно-правовое обеспечение охраны общественного порядка и общественной безопасности в региональных подсистемах предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003. 198 с.

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хатти-ҳаракатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди, ноқонуний хатти-ҳаракатлар турларини белгилайди, яъни фақат қонун нормалари жамоат хавфсизлигига, ҳам оддий ҳаёт шароитида, ҳам фавқулодда вазиятларда хавфсизликка тажовуз қилувчи хатти-ҳаракатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилайди. Шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини манфаатларини амалга оширишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, улар ижтимоий имтиёзлар, конституциявий тузум, жамоат тартиби, шахсий дахлсизлик, мулк ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, "жамоат хавфсизлиги" тушунчасига оид илмий позицияларнинг юқоридаги таҳлили ва кўрсатилган белгилар "жамоат хавфсизлиги" деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак. Бу уларнинг мавжудлигига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда умумий ва махсус ваколатли давлат органлари тизими, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар фаолияти натижасида эришилади.

Умуман олганда миллий хавфсизлиги – шахсни, жамиятни ва давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилинганлиги ҳолати тушунилади, бу эса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари, муносиб турмуш даражаси ва сифатини, Ўзбекистон Республикасининг яхлитлиги ва барқарор ривожланиши, давлатнинг мудофааси ва хавфсизлиги, суверенитетини, ҳудудий манфаатларини таъминлашга имкон беради. Шу билан бирга, илмий адабиётларда миллий хавфсизлик жамоат, давлат ва шахсий хавфсизлик билан бир қаторда ажралиб турадиган ва миллатнинг конституциявий ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати сифатида қараладиган нуқтаи назарни топиш мумкин, жисмоний ва юридик шахсларнинг табиий ёки техноген экологик омилларнинг қонуний ҳаракатларининг ушбу манфаатларга зарар етказиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлмаганлиги, ушбу экологик омилларнинг пайдо бўлишини аниқлаш ёки ривожланишини шунингдек ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқий ҳодисалар бўлмаганидан иборат бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.<sup>10</sup>

Давлат ва жамоат хавфсизлиги соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидларнинг асосий манбалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига зарар етказишга қаратилган шахсларнинг фаолияти, террористик ташкилотлар, гуруҳлар ва шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумининг асосларини мажбуран ўзгартиришга, давлат органларининг нормал фаолиятини бузишга қаратилган фаолияти, миллий, диний, этник ва бошқа ташкилотлар ва тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикасининг бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга, мамлакатдаги ички сиёсий ва ижтимоий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган экстремистик фаолиятини тушуниш мумкин.

<sup>10</sup> Собр. законодательства Рос. Федерации. 2009. № 20. Ст. 2444.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** (давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим)<sup>11</sup> ҳуқуқий тартибга солишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилди, яъни у “идоравий ҳуқуқий тартибга солиш” деган қарашда намоён бўлаётган қобикдан чиқди, давлат бошқаруви органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли субъектларнинг ҳаракатларини самарали амалга ошириш, муайян ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан чеклаш чораларини қўллаш имконини берадиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларга “муҳтожлик” сезмоқда, фаолият тегишли даражадаги хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини белгилайдиган объектлар ва ҳудудлар тобора кўпайиб бормоқда. Аҳоли хавфсизлигининг тегишли даражасини таъминлаш уларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради, фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлар, бу давлат томонидан қўлланиладиган тегишли маъмурий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда ва расмий ҳужжатларда “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига нисбатан давлатнинг турли манфаатлари ҳимоя қилинадиган, реал ва потенциал хавф, ички ва ташқи таҳдидлар эҳтимоли минималлаштирилган, шахс ва жамиятнинг самарали ривожланиши учун имконият яратилган ҳолатни тавсифлаш учун ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги каби тамойилларга асосан мамалакатнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги **миллий манфаатларига:**

- жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон 1-илоvasи.

- мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

- жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағрикенглик маданиятини, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

- дунёда доимий равишда кечаётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини-ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш кабилар кириши кўрсатилган.

Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг **асосий йўналишлари ўз ичига:**

- жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан, кенг қамровли мақсадли дастурларни қабул қилиш ва ижросини таъминлаш;

- жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан, бундай тажовузларнинг асосий омилларини барвақт олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш;

- ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш;

- ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

- ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан, туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

- жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларни ижтимоийлашуви, шу жумладан касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

- аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

- жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация

технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, шахсий таркибининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси даражасини ошириш сингариларни қамраб олади.



INNOVATIVE  
ACADEMY